

**Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан
хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1118-ҳадис**

1118 – وَعَنْهَا، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «كُنَّا الْفَجْرَ خَيْرَ مِنَ الدُّنْيَا وَمَا فِيهَا». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [725].

وَفِي رِوَايَةٍ هُمَا: أَحَبُّ إِلَيَّ مِنَ الدُّنْيَا جَمِيعًا» [م 725/97].

1118. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бомдоднинг икки рақъати дунё ва ундаги нарсалардан яхшидир», дедилар».

Имом Муслим ривоятлари.

Имом Муслимнинг бошқа ривоятида:

«Бу иккиси мен учун бутун дунёдан маҳбуброқ», деганлар.

Шарҳ: Ушбу ҳадисда Бомдоднинг икки рақъат суннати ҳақида сўз бормоқда. У икки рақъат намоз энг фазилатли вақтда ўқилади. Унинг савоби ниҳоятда улкандир. Агар Бомдоддаги икки рақъат суннат намознинг савобини бу дунёнинг ўлчови билан ўлчайдиган бўлсак, дунёнинг ҳаммасидан ва ундаги нарсаларнинг ҳаммасидан ҳам яхши бўлади.

Демак, ҳар куни саҳар туриб, яхшилаб таҳорат қилиб икки рақъат Бомдод суннатини ўқиган одам дунёдаги энг кўп савоб олган одам бўлар экан.

Намозхонлар ўзларидаги бу фазлни англаб етишлари лозим.

Бомдоднинг суннати ўқиш қанчалар зарур эканини Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

«Агар сизни отликлар қувиб турса ҳам иккисини қўйманглар», деган сўзларидан тушуниб олсак бўлаверади. Яъни, душман бостириб келиб турса ҳам Бомдоднинг икки раъат суннати тарк қилманг, деганлар.

Манба: hadis.islom.uz

